

ТОШКЕНТ-ИВАНОВО ҲАМ ЎРГАНДИК, ҲАМ ЎРГАТДИК

— Озиқиб кутамиз, — мусобақадошларимиз хайр-хушланиб туриб, ана шу қисқа, аммо юракдан чиққан сўзини қайта-қайта такрорлашган эди. Уларнинг ёқимли овози ҳали ҳам кечадигек жарангаб турибди. Мана, донг таратган туқимачилар ўлкаси. Нақадар гўзал, хуш-ҳаво жойлар. Бишларини айтмайсизми? Худди туғилганлардек.

Мусобақадошлар даврасида шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини сайр қилиб юришми. Негадир қабилм ўқитин-ўқитин бўлибди. Балки бинокор бўлганим учундир, бутун вужудим билан улкан қуришлар томон интиламан.

Ниҳоят яқиндагина фойдаланишга топширилган сўт заводидаги етиб келдик. Иш деган мана бундай бўпти. Азаматлар шундай йирик корхонани бир ярим йилда битказишди. Сўрбат борасида ивановлик бинокорлардан кўп нарсани ўрганасан бўлади.

Ҳаммадан ҳам чархаш станокларни қуришнинг участкасидаги ишнинг ташкил қилиниши ҳавасимизни келтирди. Бу ерда тажрибали инженер Галина Макаровна Жербинова, шунингдек гинт терувчилар, монтажчилар билан учрашдик. Қурилишнинг боришига раъм солиб, малакали инженер бошлиқ бинокорлар етти ўлаб бир кесадиган кишилар эканлигига қаноат ҳосил қилдик.

Ивановликлар ҳар қанча махтанмиш арайди. Улар бунёд қилаётган ўз Черемушканининг бизникидан олтинчи бўлса бор-ки, камчилиги йўқ. Биз бурганисмида, 4 та кўп қаватли уй-жой биносини қўладан чиқарган бинокорлар 2 та 80 қаватли ва битта 40 қаватли бино деворларини кўтаришадиган эди. Ил охиригача ана шундай бинолардан ана 18 тасини битказишга бел боғлашди.

Мен донгдор гинт терувчи, мусобақадошим Константин Шкилев билан учрашдик. Унинг гинт тираганини кўриб, ўзимни тутиб тура олмас муддатда қўладан чиқариш «сири»ни анди билиб олдик, — деб қолди.

Кўпгина касбдошларимга теакор усулини ўргатиб қўйдим. Билимдон одамлар-да! Бир зумдаёқ кўларини келдиб қолди.

Олдиндан оққан сувнинг қаари йўқ, дейишарди. Ҳақ гап экан. Ёрочин анча-мунча ироф қилиб юришар экан.

Биз 1-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективини билан мусобақаланишга шартнома тузиб қайтдик.

Чиланзоримизга келгач, бригада аъзолари билан ўрганиб келган тажрибалиларимиз ўртоқлашдик. Ҳозир мусобақадошларимиз олдида ер чини қўлмаслик учун аввалгидан ҳам жадал ишлаймиз. Етти ойлик топшириқни 170 процент бажардик. Ҳаракат қиласан, сўзимизнинг устидан чиқамиз. Ивановлик дўстларимиз ҳам улуг айёми яхши кўрсаткичлар билан кутуб олишди. Мусобақамиз бундан бўён ҳам қизгин давом этаверди, дўстлигимиз тагин ҳам мустаҳкамлана беради.

Р. ЗИЕВ,

153-қурилиш трести коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Суратда: Оҳангарон цемент заводи қурилишининг илгор бинокорларидан (пасдан, чапдан ўнгга) — дурадгор Х. Исмаилов, арматурачи Л. Малишев, кранчи Б. Ким, бетончи З. Габдуллин, бригада бошлиғи А. Аширматов ўртоқлар. Бу азамат қурувчилар етти йилликнинг улкан корхонаси қурилишини тезроқ тамомлаш ва муддатидан нагари нига тушириш учун қизгин давом этаётган социалистик мусобақа пешқадамларининг олдинги сафида бормоқдалар.

В. Салов фотоси.



БИРТАН, БИР ЖОН БЎЛИБ...

Хонобода бундан бир йил илгари бўлган киши ҳозир уни арағ танийди. Бу ерда жуда катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб борилаётган. Цементчилар шаҳарчаси, етти йилликнинг азамат корхоналаридан бири — замонавий техника ва агрегатлар билан ускуналанадиган улкан цемент заводи бунёд этилмоқда.

Қудратли механизмлар — экаваторлар, бульдозерлар, тракторлар, скреперлар, кўтарма кранлари, 10-12 тонна юк кўтарадиган автомашиналар ҳаракати бир минут ҳам тинмайди. Уларнинг салобатли овозлари ва қурувчиларнинг зўр заъв-шавқ билан ишлаётгани ажиб хис уйғотди кишида.

Қурилажак завод мамлакатимизда етти йиллик давомида қад кўтарадиган 20 га яқин йирик цемент корхоналарининг бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда бир йўла 29 объект қад кўтармоқда. Уларнинг қайси бирига борманг, зўр гайрат ва ишлатган меҳнат қилаётган, бу йирик корхона муддатидан илгари фойдаланишга топшириш йўлида фидокорона ишлаётган азаматларга дуч келасиз.

Корхонанинг асосий объекти — айланма печь монтаж қилинадиган майдондир. Печнинг ердан бир неча метр кўтарилиб турадиган темир-бетон пойдевори тўла битказилибди. Бу объект қурилишига ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳисса қўшган Зие Ҳаматовнинг бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари билан суҳбатда бўлдик. Ўрта бўйли, ниқтидан келган, юзларида ҳар доим ёқимли табассум барқ уриб турадиган Зие ака

ўз бригадасининг қандай ишлатганини ҳақида берган саволимига қисқача қилиб:

— Барча қатори ишлаймиз, — деб қўяқолди.

— Зие ака бригадаси қурилишда катта ишлар қилди, — гапга аралашди 1-қурилиш бошқармаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ Димитриев. — Қўрилиб турган икки қаватли биноларнинг пойдевори шу бригада қўладан чиқди. Печ пойдеворини бетонлашга ҳаммадан кўп ҳисса қўшди.

Шу печнинг тутун тортатиган труба си кун сайин самога томон бўй чўзмақда. Унинг баландлиги юз метрдан ҳам ошди. Бу мураккаб ва масъулиятли ишнинг иштирокчилари «Спецжелезобетонстрой» трести коллективни бажарётган экан. Мастер Василий Тимофеевич Кочков коллектив бу муҳим объектни муддатидан бир неча ой илгари — 7 ноябрдан қуриб битказиш ҳақида мажбурият олиб ишлатганини айтди. 70 метр баландликда ишлар хазил эмас. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Маҳсуус бункер сомосалларда пешмапеш келтириладиган бетон қоринмасини юқорига, монтажчилар олдида чиқариб туради.

Улкан қурилишнинг барча участкаларида фидокорона меҳнат қилаётган сергайрат бинокорларнинг ҳаммаси нормасини ошириб бажармоқда. Бу ерда қоласан йўқ. Коммунистлардан Ҳ. Фаткуллаев, В. Копейкин, Л. Аршинов, Н. Пашинский ўртоқлар бошчилигидаги комплекс бригадаларнинг иши мақтовга сазовордир. Бу бригадаларнинг ҳар



Жамила Аъзаева Москвадаги қурилиш инженерлари инсти. тутини тугатган, ўзи ўсиб улағайган Тошкентга қайтиб келди. У ҳозирги вақтда «Крупнопанельный» трестда ишлаймоқда. Суратда: ўртоқ Ж. Аъзаева. А. Палехов фотоси.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БРИГАДА

Жамолддин ака Саримсоқов бошлиқ комлекс бригадани «Мирзачульсовхозстрой» трестидоғилар ҳам, Сурдарё районида бинокорлик ишларини олиб бораётган 19-қурилиш-монтаж бошқармасидоғилар ҳам интернационал бригада» деб аташади. Ҳақиқатан ҳам уста бинокор бошлиқ бу бригадани турли миллат вакиллари учратишнинг мумкин. Уларнинг тили, урф-одати фарқ қилса ҳам, дили, мақсади бир. У ҳам бўлса миришкор нахтакорларимизга кўрсанг қўзинг қувонадиган бинокор қуриб бериш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришдир.

Жамолддин ака 17 йилдан бўён шу касбда. Уста ҳали бардам. У бошлиқ бригадада ойлик ва квартал топшириқларини доимо олтиги билан бажармоқда. 7 ойлик план 160 процентдан ҳам ошиб кетди.

Комплекс бригада аъзолари яқиндагина «Социализм» совхозини посёлкасида озиқ-овқат ва саноат моллари магизини ҳамда ошхона биносини қўладан чиқардилар. Янги бинокор посёлка чиройига-чиroy қўшиб юборди.

Қ. КОМИЛОВ.
«Социализм» совхозининг ишчиси.

БИНОЛАР

Бинокорлар, бинокорлар! Кўркам, кўнжават... Кўк томон интилаб, Мағрур кериб қад. Ҳар боққан кўларини Мағрур этасиз. Учмоқда шайланг, Оқ қанот ёнб Гўё булутларга Тегиб кетасиз. Моҳир бинокорлар Санъати сизда. Ана, нақш-чеклар Пештоқинида. Айтнинг, асли гузалар Унда унганми? Эҳуд сажий баҳор Оқилдай дей Гулчамбар келтириб Сизга қўнганми? Олмас ойналарда

Акс этган қуёш, Борлиқда олган ҳал Берувчи нақош Нур-ла доманингиз Кўчмоқни истар. Ошнингиз бўлиб, Сизга термулиб, Шинаи хонанингиз Кўчмоқни истар. Бинокорлар, бинокорлар, Улкан, кўнжават... Қуёнга юз тутиб, Мағрур кериб қад Қилишгиз намоён Шайхнингиз кўркин. Иссиқ қучоқингиз Чорлар ҳар нафас Кел, дед, бол ҳаёт Лаззатин кўркин. Гулчехра НУРУЛЛАЕВА.

БИНОЛАР МОНТАЖ ҚИЛИНАЁТИР

Олмалиқ республикамизнинг энг кенжа шаҳарларидан бири ҳисобланади. Уни бунёдга келтириш ишлари 1951 йилда бошланган эди. Ана шу қисқа муддат ичида гўзал ва обод шаҳар пайдо бўлди. Бунинг учун давлат жуда кўп маблағ сарфлади. Утган 9 йил давомида 200 минг квадрат метр турар-жой биноларини ишга туширилди. Меҳнаткашлар ўз маблаглари ҳисобига 175 минг квадрат метрдан ортиқ ҳажмда уйлар қуриб оlishди.

Шу давр ичида кўплаб маданий-маиший бинокор фойдаланишга топширилди. 5 мингдан ортиқ ўқувчи мўжажланган 11 та мактаб, 24 та мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 3 та қишқик клуб, бир қанча кинотеатрлар қурилди. Ўзлаб савдо тоҷкалари меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда. Утган йили калсхоналар шаҳарчаси қад кўтарди. Бу ерда шифохона, поликлиника-ва бошқа медицина муассасалари ишлаб турибди.

Типовой лойиҳа асосида қурилган кўп қаватли ҳашаматли уй-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар шахримиз ҳуснига-хусн қўшиб юборди. Лекин ҳали шаҳарни ободонлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилиши керак. Шаҳар қурилиши бўйича яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши шаҳар қурилишида, уни лойиҳалаш ҳамда қурилишда индустриал меҳодлардан фойдаланишда йўл қўйилаётган катта камчиликларни таъкидлаб ўтди. Отиқ эфирроф қилиш керакки, бундай камчиликлар бизнинг шахримиз қурилишида ҳам содир бўлаётган.

Шаҳримиз бинокорлари бу нуқсонларни бартараф қилиш йўлида бир қанча муҳим тадбирларни амалга


оширишга киришдилар. Республикамизда биринчи бўлиб йирик панелли уйлар қурила бошлади. Керамитбетондан тайёрланган уйнинг деворлари, шили ва поёли қурилиш участкасида фақат монтаж қилинади. Ҳозирги вақтда турта 12 квартиралли йирик панелли уйлари қуриш тугалланиб қолди. Бу тадбир ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, қурилиш харажатлари ва муддатини камайтириш, меҳнат унумдорлигини анча оширишга таъминлайди.

Темир-бетон деталлари ва айниқса олдиндан тараф қилиб тортилган темир-бетон конструкцияларидан ёнг фойдаланилмоқда. Бинокорларимиз ҳар миллион сўмга темир-бетон конструкцияларини ишлатиш бўйича республикамизда энг юқори кўрсаткични қўлда сақлаб келмоқдалар. Шаҳар қурилишида маҳаллий бинокорлик материаллари, жумладан ҳарсон ва оҳак тошлари, Оҳангарон дарёсидан инерт материаллари кент қўламда ишлатилмоқда. 1960 йилда шаҳарда фойдаланишга топширилган турар-жой биноларининг ярим нарамзитбетон ва темир-бетон конструкцияларидан қурилади.

Етти йиллик давомида шахримиз ўрта Осиёнинг энг йирик рангли металлургия маркази бўлиб қолади. Бунинг учун саноат қурилиш қаторида уларча минг квадрат метр турар-жой бинолари, жуда кўп маданий-маиший муассасалар қурилади. Шаҳарнинг гигиена ва санитария ҳолатини янада яхшилаш, уни кўламазорлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилади.

С. ОДИЛОВ,

Олмалиқ шахрининг архитектори.



153-қурилиш трестининг илгор гинт терувчиси Талъат Нейматов ўрта мактабни тамомлаб, меҳнат қучоғига отишган эди. У қисқа муддат ичида гинт терувчилик касбини пухта ўрганиб олди. Талъат шу кунларда смена нормасини 1,5 ҳисса бажараётган. Суратда: ўртоқ Т. Нейматов иш устида. М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ 14 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.

